

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**8-сон**  
**(820)**  
**2018 йил**  
**26 февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

134. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5347-сон Фармони
135. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 17 октябрдаги ПФ–5206-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сонли

- қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5348-сон Фармони
136. «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони
137. «2019 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари, божхона тўловларидан озод қилинадиган озиқ-овқат товарлари ва хомашёларнинг айрим турлари Рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПФ–5354-сон Фармони
138. «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПК–3549-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

139. «Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 125-сон қарори
140. «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 февралдаги 126-сон қарори
141. «Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 135-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

142. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 31 январдаги 43-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-3*)
143. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 5 февралдаги 44-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш

учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-3*)

144. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 10 февралдаги 01-02/12-9, 01/08-668-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё минтақаси Бойсун инвестиция блокига нисбатан 2010 йил 4 июндаги Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2250-1*)
145. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 21-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-1*)
146. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 57-Б-сон «Касб-хунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга қўмаклашиш ярмаркаларини ўтказиш бўйича намунавий регламентни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2973*)
147. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 2, 5-Б, 19-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974*)
148. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги 100-мх-сон «Нотариус лавозимида тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-11*)
149. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги 101-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оши-

риш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-17*)

150. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 21 февралдаги 6/1-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975*)
151. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 45-сон «Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроксиз она моллар, насли қўчқорлар ҳамда эркак кўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2607-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 17 февралдан 23 февралгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**134** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Кўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари «Ўзагротехсаноатҳолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 февраль,  
ПФ–5347-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 19 февралдаги  
ПФ–5347-сонли Фармониغا  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармониغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ПФ–3028-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли Фармони 3-бандининг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб, валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон аҳборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПФ–5215-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармонларининг 1-иловаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ–3351-сонли қарорида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар бундан мустасно қилинади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ–567-сонли қарорининг 18-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**135** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 17 октябрдаги ПФ–5206-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сонли қарори)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 17 октябрдаги ПФ–5206-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 февраль,  
ПФ–5348-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 19 февралдаги  
ПФ–5348-сонли Фармонига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги ПФ–3114-сонли Фармонининг 2-бандидан «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 5 июндаги ПФ–5068-сонли Фармони 1-илувасининг 27-бандидаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасини ҳар йили ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ–217-сонли қарори:

а) 4-бандидаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илувасидаги:

«Камалов А.С. — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раиси» сўзлари «Мақсудов А.И. — «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Устюгин В. — Ўзбекистон «Сифат» маркази бош директори» сўзлари «Каримов А. — «Ўзстандарт» агентлиги бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–330-сонли қарорининг 3-банди учинчи хатбошидаги «ташқи савдо компаниялари ва «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ–360-сонли қарори:

а) 1-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзпахтаёғ» АЖ улар таркибига кирувчи корхоналар ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази (кейинги ўринларда «Сифат» маркази деб аталади) билан биргаликда:»;

б) 6-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» ва «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик соҳасининг иқтисодий ночор корхоналарини сотиб олган ёки ишончли бошқарувга қабул қилган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 сентябрдаги ПҚ-474-сонли қарорининг 2-банди иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пахта толасини «Ўзпахтасаноат» АЖ орқали харид қилиш механизми».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сонли қарорининг 1-бандидаги «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сонли қарорига 1, 3 ва 5-иловалардаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида Корея Республикаси Ҳукуматининг беғараз кўмагини жалб этган ҳолда ўқув-амалий тўқимачилик технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-2759-сонли қарори 2-иловасининг 5-бандидаги «А.И. Максудов — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари «А.А. Султонов — «Ўзпахтасаноат» АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сонли қарори 1-иловаси:

5-бандидаги «Сифат» Ўзбекистон пахтасини сертификатлаш маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази давлат корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

49-бандидаги «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли

молиялаштириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 27 июндаги ПҚ–3096-сонли қарори:

а) 7-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пахта хомашёсини харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш бўйича тижорат агенти — «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти»;

б) 1-иловадаги «Камалов А.А. — «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси бошқаруви раиси» сўзлари «Мақсудов А.И. — «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловадаги:

8-банднинг олтинчи хатбошидан «ва унинг ҳудудий филиаллари» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Жамғарманинг минтақавий инспекторлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг минтақавий пахта терминаллариغا бириктириб қўйилади ва бевосита Департамент штатларида туради.»;

21-банддаги «ҳудудий филиаллари» сўзлари «минтақавий пахта терминаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти — пахта хомашёсини харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш бўйича»;

бешинчи хатбошидан «ва унинг ҳудудий филиаллари» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидан «шунингдек Жамғарма билан келишилган ҳолда «Ўзпахтаэкспорт» акциядорлик жамияти билан пахта толасини экспортга ва ички истеъмолчиларга сотиш бўйича шартномалар тузилишини» сўзлари чиқариб ташлансин;

33-банднинг «а» кичик бандидаги:

иккинчи хатбошидан «ҳудудий филиаллари» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан олинган кредит маблағлари бўйича қарзларини қоплаш ҳисобига, қарздорлик мавжуд бўлмаганда — Жамғарманинг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтириладиган, тасдиқланган улгуржи прејскурант нархлардан ортиқ бўлган маблағлар, тегишли йил ҳосили пахта толасини сотиш яқунлари бўйича — ижобий тафовутнинг тўлиқ миқдордаги якуний суммаси»;

36-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«36. Молия агенти ва унинг филиаллари томонидан Жамғарманинг мақсадли маблағларини қайтариш «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг дон, ун ва ун маҳсулотларини сотишдан тушган маблағлари, шунингдек, «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб бериш-

дан олган даромадлари (асосий қарз ва фоизлари билан) ҳисобига амалга оширилади.

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти Жамғарманинг маблағларини пахта толасини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан тижорат банклари орқали қайтаради.

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг тайёрлов ташкилотларининг, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг пахта толаси, дон, ун ва ун маҳсулотларини сотишдан, «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятининг эса лизинг хизматидан тушган маблағларини жамлаш мақсадида «Жамғарма билан мақсадли ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисобварақлар» ҳисобварақлари очилади.

Пахта толаси, дон ва ун сотишдан, шунингдек, замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришдан ва унга ҳисобланган фоизлардан тушган барча пул тушумлари ушбу ҳисобварақларига кирим қилинади ҳамда Жамғарма маблағларидан аввал ажратилган мақсадли маблағларни молия агентига қайтариш ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун ишлатилади.»;

41-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пахта хомашёси ва пахта толаси бўйича — «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази давлат корхонаси томонидан;».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3226-сонли қарори 6-иловасининг 5-бандидаги «Мутасадди вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар» бўлимидан «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**136 Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолмоқда, мобиль алоқа ва Интернет тармоғининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмаяпти;

иккинчидан, давлат бошқаруви тизимига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувнинг самарали амалга оширилмаганлиги сабабли идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари алоҳида-алоҳида жорий қилинмоқда, бунинг оқибатида уларни ягона ахборот маконига интеграциялаш жараёни мураккаблашмоқда;

учинчидан, электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда;

тўртинчидан, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан рухсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфийлигини бузиш имкониятини оширмоқда;

бешинчидан, кўплаб давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти;

олтинчидан, почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш, почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳат-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 февралда эълон қилинган.

дан янги услубларини жорий этиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир таъсирчан чоралар кўрилмаяпти;

еттинчидан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими ИТ-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмаяпти, шунингдек, таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими, уларнинг шаффофлиги ва очиклиги, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланишида анча илгарилаб кетган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва жорий этиш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юрилади) ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг:

Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказиш;

«Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази» давлат муассасасини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасига бериш;

«Матбуот тарқатувчи» АКни белгиланган тартибда «Ўзбекистон почтаси» АЖга қўшиш масаласини «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлик икки ҳафта муддатда ўтказилаётган ташкилотларнинг штат бирликлари ва бинолари, шунингдек, уларга тегишли бўлган товар-моддий бойликлар, шу жумладан пул маблағларининг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига берилишини таъминласин.

2. Қуйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг ус-тувор йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, электрон ҳукуматни жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

«охирги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, мультисервиси алоқа тармоқлари технологиялари, мобиль алоқа бозори, бошқа замонавий телекоммуникация хизматла-

ри, шунингдек, логистика ва почта алоқаси хизматлари орқали телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини, «ягона дарча» тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

шаҳар ва ҳудудий инфратузилмани, шу жумладан келгусида интеграциялашган, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар ягона комплексига бирлаштирилган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт логистикасини, шошилинч хизматларни бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

технопарклар ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида замонавий рақобатбардош ва экспорт учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

етақчи хорижий компаниялар ва таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда маънасини оширишни ташкил қилиш;

киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш;

тақдим этилаётган телекоммуникация ва почта алоқаси хизматларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга ошириш;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини қўллаш ва ривожлантириш масалалари бўйича, шу жумладан, техник стандартлар, регламентлар жорий этилишини ташкил қилиш, шунингдек, Вазирликнинг фаолият соҳасига қирадиган бошқа йўналишлар бўйича халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари

жамғармалар маблағларидан фойдаланишда янги ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини ишлаб чиқишга, биринчи навбатда, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ва тезкорлигини оширишга, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам беришга, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган электрон давлат хизматларини жорий этишга устувор эътибор қаратадилар;

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимлари уч йилда бир марта мос равишда Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида аттестациядан ўтадилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият республика органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинландилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳудудий органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинландилар.

4. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (кейинги ўринларда — Инспекция) этиб қайта ташкил этилсин.

Инспекция ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонунчилик, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши белгилансин.

2018 йил 1 апрелдан Инспекцияга қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида тақдим этилаётган хизматлар сифатининг бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, олиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги икки ой муддатда «Ўзбекистон почтаси» АЖ почта алоқаси миллий операторига агент сифатида банк ва суғурта хизматларини кўрсатиш, шу жумладан тўловларни қабул қилиш ва ўтказиш, банк карталарига хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилиш хизматлари ва аутсорсинг шартларида бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқларини тақдим этиш масаласини ўргансин ҳамда ушбу бандни амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлик Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагилар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

«Ўзбекистон почтаси» АЖни, шу жумладан чет эл маслаҳатчиларини жалб қилган ва илгор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш;

почта алоқаси операторлари ва курьерларининг тармоғини ривожлантириш, хорижда халқаро почта жўнатмаларининг алмашинув пунктларини ташкил этиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2018 йил 1 июндан:

тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар (хизматлар) экспорт қилинганлиги учун экспорт шартномаси тузмасдан ва банк комиссияси ундирилмасдан, Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари орқали, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган рўйхат бўйича айрим товарлардан ташқари, товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмаси уларнинг ҳажмидан қатъи назар, чакана савдо ҳисобланади;

б) ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларини жалб қилиш, ўз IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Вазирлик ҳайъати томонидан аниқланади;

г) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

д) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга масъул бўлган бўлинма раҳбарлари ҳар йил якунлари бўйича Вазирлик қарори асосида ахборот тизимлари, электрон давлат хизматлари ва ахборотлаштиришни жорий этиш режалари ва дастурларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги учун, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда мукофотланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 августга қадар муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини ва устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг

сифатли мобил алоқа, Интернет тармоғидан кенг доирада фойдаланишини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳасида замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, шунингдек, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳарлар ҳамда ҳудудларни ташкил қилиш;

давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, экспортбоп дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;

жойларда, айниқса, олис жойларда электрон давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш.

Белгилансинки, дастурларни ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини молиялаштириш Фонд маблағлари ҳисобидан, тегишли ҳудуд мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар томонидан тўланадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун келиб тушадиган сумманинг 5 фоизгача бўлган миқдорида амалга оширилади.

9. Мазкур Фармоннинг 8-бандида назарда тутилган дастурларнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш ва идоралараро мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда:

дастурлар қабул қилинганидан кейин ҳудудий кенгашлар таркибларини тасдиқласин, шунингдек, дастурлар ижросининг ҳар ойда кўриб чиқилишини таъминласин;

«Компьютерлаштириш маркази» ДУКни «Электрон ҳокимият» ахборот тизимини яратиш ва жорий этишни асосий вазифа деб белгиллаган ҳолда «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУКга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни кўрсин.

10. Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида, шу жумладан унинг филиалларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ўқув жараёнининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш суръатлари билан узлуксиз алоқасини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ўқув режалар ва дастурлар, битирувчилар учун малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

профессор ўқитувчилар таркиби меҳнатини ўқитишнинг кредит тизими шартларидан келиб чиқиб фақат таълимга хос тадбирлар асосида иш вақти ҳисобга олинишига асосланган ҳолда мустақил нормалашни амалга ошириш, шунингдек, педагог ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш ҳуқуқи берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда кредит тизими бўйича ўқитиш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик ва Инспекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Вазирлик ва Инспекция тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4702-сон Фармони 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 февраль,  
ПФ-5349-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**137 2019 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлашти-  
руви йиғимларидан ташқари, божхона тўловларидан  
озод қилинадиган озиқ-овқат товарлари ва хомашёларнинг  
айрим турлари Рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Ички бозорни картошка билан янада таъминлаш ҳамда нарх-наво ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сонли Фармони билан тасдиқланган, 2019 йилнинг 1 январигача, божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари, божхона тўловларидан озод қилинадиган озиқ-овқат товарлари ва хомашёларнинг айрим турлари Рўйхати қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup> позиция билан тўлдирилсин:

« 4 <sup>1</sup> . Янги ва совитилган картошка	0701
--	------

».

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси импорт бўйича олиб келинаётган картошкани белгиланган тартибда божхона расмийлашти-  
рувидан ўз вақтида ва эркин ўтказилишини таъминласин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-  
ликасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош про-  
курори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 февраль,  
ПФ–5354-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 фев-  
ралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**138** Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармониға мувофиқ:

1. 2018-2019 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси» деб юритилади) 1-иловаға\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари «Йўл харитасида» назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалға оширилиши юзасидан шахсий жавобгар ҳисобланадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида (кейинги ўринларда — Вазирлик):

Электрон ҳукуматни ривожлантириш бош бошқармаси;

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бош бошқармаси;

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси;

Ахборот хавфсизлиги бошқармаси тузилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари — ахборот-коммуникация технологиялари бўйича консультант, шунингдек, «Хавфсиз шаҳар» комплексини барпо этиш бўйича лойиҳани ўз вақтида, кенг қўламда ва сифатли амалға ошириш учун масъул Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари лавозимлари тугатилсин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловаға\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 3-иловаға\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловаға\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирликнинг марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 129 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

зарур ҳолларда Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бош-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 февралда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

қармалари тузилмасига чекланган бошқарув ходимларининг белгиланган штат сонига ўзгартиришлар киритиш;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирликнинг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида консултантлар сифатида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, фан-таълим муассасалари, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи халқаро ва хорижий компаниялар мутахассисларини жалб этиш;

ишга белгиланган тартибда юқори малакали хорижий мутахассисларни қабул қилиш, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан уларга эркин муомаладаги валютада меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

#### 6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади;

Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига тенглаштирилади;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Вазирлик ҳамда Вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини назорат қилиш инспекциясининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПҚ–2293-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлик бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 февраль,  
ПҚ–3549-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **139** Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган дунёда ахборот ва билим энг муҳим миллий ресурсларга, уларни яратиш ва тарқатишни таъминловчи тизимлар эса — барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланмоқда.

Ушбу шароитларда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни ва очик адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашдек стратегик мақсадга эришиш, давлат бошқарувининг сифати давлатнинг ахборот, билим ва инновацияларга асосланган моделига ўтишини таъминлайдиган ахборотни ва билимни яратиш, қабул қилиш ва тарқатиш имкониятлари билан белгиланади.

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида очиклик ва шаффофликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизимини жорий этиш, ахборот олишда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очиклиги ва масъулиятини таъминлаш зарур. Бу давлат ва хўжалик бошқаруви аппаратининг самарали фаолият юритиши ҳамда жамиятда адолатни қарор топтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бунда жамиятни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятдан кенг хабардор қилиш, уларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган конституциявий нормани амалга оширишнинг, «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғояни рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот жиҳатидан очиклигини янада ошириш, жамоатчиликка амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мақсадлари, вазифалари, бориши ҳамда натижалари, мамлакатнинг глобал ахборот жамиятига уйғун интеграциялашуви ҳақида ўз вақтида, холисона ва тўлақонли ахборотни тезкорлик билан етказиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикли-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 февралда эълон қилинган.

ги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг самарали механизмлари ва усулларини жорий этишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга доир ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган нормалари ижросини сўзсиз ва сифатли таъминлаш барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг энг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбари ушбу вазифалар амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари (матбуот хизматлари, жамоатчилик билан алоқалар хизматлари) (кейинги ўринларда ахборот хизмати деб юритилади) давлат ва хўжалик бошқаруви органи ходимларининг умумий сони доирасида ташкил этилади ҳамда шу орган раҳбарига бевосита бўйсунадиган алоҳида мустақил бўлинма ҳисобланади.

Қуйидагилар ахборот хизматининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолияти, унинг фаолият соҳасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида кенг жамоатчиликни холисона, сифатли ва тезкор хабардор қилиш;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ахборот хизмати билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини (матбуот учун ахборотлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатиш, оммавий тадбирларни ташкил этиш;

ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг расмий веб-сайтида тезкор жойлаштириш ва ўз вақтида янгилаб бориш, Интернет тармоғидаги веб-ресурсларни, шу жумладан, ижтимоий ва мобиль тармоқларни ривожлантириш;

ахборот майдони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, уларга муносабат билдиришнинг турлари, усуллари ва даражаси бўйича экспертлар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғида материаллар тарқатиш бўйича комплекс ишларни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатиш учун хабар, ахборот-маълумот тусидаги материаллар, шарҳлар ва ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (кино, фото, аудио ва видеоматериаллар, босма маҳсулотлар ва шу кабилар) билан таъминлаш;

идора фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрининг ҳолатини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбариятига ахборот бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолият соҳасига алоқадор матнли, фото, аудио ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар банкни шакллантириш ва юритиш.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

ахборот хизматлари раҳбарлари ва ходимларини аттестациядан ўтказишадилар;

ахборот хизматлари кадрларининг малакасини ошириш ва Хизматларни журналист кадрлар, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш ва бошқа соҳалардаги юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, ахборот хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техник базани шакллантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқаришадилар;

ахборот хизматлари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари иштирокида мунтазам равишда (бир ойда камида бир марта) матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилишини ҳамда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлашнинг бошқа замонавий шакллари амалиётга жорий этишадилар.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятида очиқлик принципини амалга ошириш бўйича қуйидагиларга қаратилган методик тавсияларни ишлаб чиқарин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, уларнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг амалий механизмларини белгилаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахслар кенг фой-

даланишини таъминлаш, очиқликни таъминлаш бўйича замонавий тизимларни шакллантиришда уларга кўмаклашиш ва ҳоказо.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан биргаликда ҳар йили «Энг яхши ахборот хизмати», «Давлат бошқаруви органлари фаолиятини ёритаётган энг яхши журналист» ва бошқа номинациялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунларига бағишлаб танловлар ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л. Тангриев ва Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 15 февраль,  
125-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 15 февралдаги 125-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг  
ахборот хизмати тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ахборот хизмати (матбуот хизмати, жамоатчилик билан алоқалар хизмати) (кейинги ўринларда Хизмат деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органи марказий аппаратининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита унинг раҳбарига бўйсунди.

2. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси-

нинг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Хизмат ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органининг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

## **2-боб. Хизматнинг асосий вазифалари ва функциялари**

4. Қуйидагилар Хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш;

кенг жамоатчиликни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолияти, унинг соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида ҳолисона, сифатли ва тезкор хабардор қилиш;

оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда ОАВ деб аталади) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Хизмат билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини (матбуот учун ахборотлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатиш, оммавий тадбирларни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг расмий веб-сайтида ахборотни тезкорлик билан жойлаштириш ва ўз вақтида янгилаб бориш, Интернет тармоғидаги веб-ресурсларни, шу жумладан, ижтимоий ва мобилъ тармоқларни ривожлантириш;

ахборот майдони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, уларга муносабат билдиришнинг турлари, усуллари ва даражаси бўйича экспертлар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш, ОАВ, шу жумладан, Интернет тармоғида материаллар тарқатиш бўйича комплекс ишларни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда миллий ва хорижий ОАВда тарқатиш учун хабар, ахборот-маълумот материаллар, шарҳлар ва ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятини хорижий ОАВда сифатли ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (фото, аудио ва видеоматериаллар, босма маҳсулотлар ва шу кабилар) билан таъминлаш;

идора фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрининг ҳолати ҳамда миллий ва хорижий ОАВ позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи раҳбариятига ахборот бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолият соҳасига алоқадор матнли, фото, аудио ва видеоматериаллар маълумотлар банкини шакллантириш ва юритиш.

5. Хизмат юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

ОАВда, шу жумладан, Интернет тармоғида ахборот эълон қилади (чоп этади), шунингдек, уларни расмий веб-сайтларда, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш ва янгилаб боришни таъминлайди;

оммавий тадбирларни, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбарлари иштирокидаги тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар)ни ташкил этади ва ўтказиши;

ОАВ ва журналистларнинг сўрови асосида уларга оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этади;

қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, социал ва ижтимоий аҳамиятга молик муҳим дастурлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати мониторингини олиб боради ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боради;

Хизмат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплайди ва уларни пухта ишлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлайди ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилади, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этади, тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятига доир масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга оширади, давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлайди;

ОАВ билан ахборот-маълумотнома ишларини амалга ошириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банки ташкил этилиши ва юритилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятини энг тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий ОАВ ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг веб-сайти ташкил этилишини ва уни замонавий даражада юритишни таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи томонидан ташкил этиладиган расмий тадбирлардан теледастурлар, роликлар ва лавҳалар тайёрлашда ва

уларни монтаж қилишда иштирок этади ҳамда ушбу материалларни белгиланган тартибда сақлаш учун уларнинг архивлаштирилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятига доир фото, аудио ва видеоматериалларни тайёрлайди ҳамда уларни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолият соҳасига алоқадор фото, аудио ва видеоматериаллар маълумотлар банки шакллантирилиши ва юритилишини таъминлайди.

6. Хизмат ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда ОАВнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртма-номалари ва сўровларини кўриб чиқади.

### **3-боб. Хизматнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

7. Хизмат ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизматнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг бошқа бўлинмаларидан, идоравий мансуб ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбари билан келишган ҳолда идоранинг бошқа бўлинмалари ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва малакали экспертларини, шу жумладан, шартнома асосида жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Хизмат ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органи номидан вакиллик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органининг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Хизмат фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

8. Хизмат:

ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органи фаолиятининг миллий ва хорижий ОАВда ҳолисона, сифатли ва тезкор ёритилишини таъминлаш учун жавоб беради.

**4-боб. Хизмат фаолиятини ташкил этиш**

9. Хизмат ходимлари сони у амалга оширадиган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳажмига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбари томонидан, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида белгиланади.

10. Хизмат фаолияти давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган иш режаси асосида ташкил этилади.

11. Хизматга давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раҳбар бошчилик қилади.

12. Хизмат раҳбари бевосита давлат ва хўжалик бошқаруви органининг раҳбарига бўйсунди ва айни вақтда унинг матбуот котиби ҳисобланади.

13. Хизмат раҳбари:

Хизмат фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Хизматга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Хизмат фаолиятини ташкил этади, режалаштиради ва назорат қилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Хизматда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Хизмат ходимларининг малакасини ва касбий савиясини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

14. Хизмат ходимлари Хизмат раҳбарининг тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

15. Хизмат фаолиятини ахборот, ҳуқуқий, моддий-техник ва транспорт билан таъминлаш, шунингдек, унинг ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш давлат ва хўжалик бошқаруви органининг таркибий бўлинмалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**140** Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

Аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, уларга мазкур соҳада кенг қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2011 й., 11-сон, 90-модда) билан тасдиқланган Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида низом 8-бандининг биринчи хатбошидаги «100» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 февраль,  
126-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**141 Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ҳамда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 февраль,  
135-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 февралдаги 135-сон қарорига  
ИЛОВА

**Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга  
ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат  
ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига (кейинги ўринларда нодавлат нотижорат ташкилотлари деб аталади) давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари давлат бошқаруви органларининг социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериши билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат ижтимоий буюртмаси** — социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида давлат ижтимоий буюртмаси амалга ошириш шартномасини тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириғи;

**жамоатчилик кенгаши** — давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурида тузиладиган кенгаш;

**социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа** (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) — социал ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган ҳамда давлат ижтимоий буюртмаси амалга ошириш шартномасида белгиланган муддатларда бажариладиган ташкилий, иқтисодий ва бошқа шаклдаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган лойиҳа;

**давлат ижтимоий буюртмаси амалга ошириш шартномаси** (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) — давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида тузиладиган битим.

4. Давлат ижтимоий буюртмаси қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

таълим, илм-фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида муайян натижага эришиш;

аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

ёшлар сиёсати ва болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш;

болалар ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш;

аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш.

Давлат ижтимоий буюртмаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

## **2-боб. Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби**

5. Давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурида раис, унинг ўринбосари ва камида 5 нафар аъзодан иборат таркибда жамоатчилик кенгаши тузилади.

Жамоатчилик кенгаши таркиби давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари давлат бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлади. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг ярми нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлиши лозим.

6. Давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари жамоатчилик кенгаши раиси ҳисобланади.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари биринчи йиғилишда ўзининг таркибидан жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари ва котибини сайлайди.

7. Жамоатчилик кенгаши мажлисини унинг раиси бошқаради. Жамоатчилик кенгаши раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Жамоатчилик кенгаши мажлиси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Зарур нафардаги аъзолар йиғилмаган ҳолатларда жамоатчилик кенгаши мажлиси бошқа муддатга қолдирилади.

8. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлаш давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи томонидан амалга оширилади.

9. Жамоатчилик кенгашининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганда жамоатчилик кенгаши ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа

шахслар таклиф этилиши мумкин. Таклиф этиладиган шахсларнинг сони ва таркиби жамоатчилик кенгаши раиси томонидан ҳал қилинади.

10. Жамоатчилик кенгаши қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш қарори йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11. Жамоатчилик кенгаши раиси:

жамоатчилик кенгаши фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;  
раис ўринбосари ва аъзолар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;  
жамоатчилик кенгаши мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади;  
жамоатчилик кенгаши мажлислари кун тартибини тасдиқлайди;  
жамоатчилик кенгашининг иш режаларини тасдиқлайди;  
жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

Жамоатчилик кенгаши раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Жамоатчилик кенгаши котиби:

ҳужжатларни қабул қилади, жамоатчилик кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрлайди, расмийлаштиради ва уларни сақлайди;

Жамоатчилик кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва таклиф этилган шахсларга мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабар беради.

13. Жамоатчилик кенгаши мажлисини чақириш унинг аъзоларига аввалдан ёзма хабарнома тарқатиш йўли билан амалга оширилади. Хабарномада мажлисни ўтказиш куни, вақти ва муҳокама қилинадиган масалалар тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади.

14. Жамоатчилик кенгаши аъзолари қуйидаги ҳолларда кенгаш таркибидан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда;

зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қоидабузарликлар аниқланган тақдирда;

вафот этган тақдирда.

### **3-боб. Жамоатчилик кенгаши ва унинг аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

15. Жамоатчилик кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органидан маълумотларни сўраб олиш;

танлов иштирокчиларининг лойиҳаларини ўрганиш ва баҳолаш;

ушбу Низомга мувофиқ танлов иштирокчилари томонидан тақдим қилинган лойиҳаларни маъқуллаш ёки рад қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи раҳбариятига лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш;

йиғилишлар ўтказиш бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;  
давлат ижтимоий буюртмаси берувчи давлат бошқаруви органи ва танлов иштирокчиларидан ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини талаб қилиш.

16. Жамоатчилик кенгаши:

ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;  
танлов иштирокчилари томонидан тақдим қилинган лойиҳалар ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш давомида маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

17. Жамоатчилик кенгаши аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

танлов иштирокчиларининг лойиҳаларини ўрганиш ва баҳолаш;  
жамоатчилик кенгаши йиғилишларида овозга эга бўлиш;  
муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мустақил фикрини ифода этиш ва уни йиғилиш баённомасига киритишни сўраш.

18. Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

жамоатчилик кенгаши йиғилишларида шахсан иштирок этиши;  
танлов ғолибини аниқлаш бўйича масалаларни жамоатчилик кенгаши йиғилишларидан ташқарида муҳокама қилмаслиги;  
танлов иштирокчилари томонидан тақдим қилинган лойиҳалар ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш давомида маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

ўзи фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотининг лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этмаслиги шарт.

#### **4-боб. Давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби**

19. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

20. Давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаларини бериш учун танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон танлов ўтказилишидан камида 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

21. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

танлов ташкилотчисининг номи ва манзили;

давлат ижтимоий буюртмасининг тавсифи;

давлат ижтимоий буюртмасини маблағ билан таъминлаш манбалари ва миқдори;

давлат ижтимоий буюртмасини бажариш муддати;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий шартлар;

танлов иштирокчиларидан ҳужжатларни қабул қилишнинг жойи, охириги куни ва вақти.

22. Давлат ижтимоий буюртмаси бўйича бир неча нодавлат нотижорат ташкилоти қўшма гуруҳ тузган ҳолда умумий ариза беришлари мумкин. Бунда аризада ва лойиҳада уларнинг ҳар бирининг функциялари, бир-бирига нисбатан жавобгарлиги ва лойиҳани амалга оширишга қўшаётган хиссалари аниқлаштирилиши лозим.

23. Танловда иштирок этиш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар жамоатчилик кенгашига ариза берувчи томонидан бевосита, почта орқали ёки электрон кўринишда берилиши мумкин.

### **5-боб. Танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби**

24. Танловда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар бундан мустасно.

25. Танловда иштирок этиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги танловда иштирок этиш ҳақида ариза;

давлат ижтимоий буюртмасини бажаришнинг батафсил таснифи;

давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

нодавлат нотижорат ташкилоти уставининг нусхаси;

қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган маълумотнома;

махсус рухсатнома (лицензия) нусхаси, агар давлат ижтимоий буюртмаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этилса.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббуси билан бошқа ҳужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

26. Танлов ғолиби нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан танловга тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланади.

27. Ўтказилаётган танлов доирасида лойиҳаларни баҳолаш мақсадида жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни баҳолаш методикасидан (кейинги ўринларда Баҳолаш методикаси деб аталади) фойдаланилади.

Баҳолаш методикасида қўйидаги баҳолаш мезонлари белгиланган бўлиши лозим:

давлат ижтимоий буюртмасини берувчи томонидан қўйилган мақсадларга эришишнинг йўналтирилганлиги, яъни унга эришиш йўллари;

тақдим қилинган лойиҳанинг самарадорлиги;

лойиҳани амалга оширишда давлат бошқаруви органининг халқ билан мулоқот даражасини кучайтириши;

лойиҳанинг аниқ ва батафсил ёритилганлиги;

харажат ажратилаётган маблағлардан ошиб кетмаслиги;

танлов иштирокчисининг тақдим қилган лойиҳасини амалга ошириш қобилияти.

Баҳолаш методикасида давлат ижтимоий буюртмасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолашнинг бошқа мезонлари ҳам белгиланиши мумкин.

28. Лойиҳани ўрганиш натижаларига кўра жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳар бир лойиҳа бўйича баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолаш варақасига баллар қўяди.

Баҳолаш варақаларида балларни ҳисоблаб чиқиш учун жамоатчилик кенгаши аъзолари орасидан 3 кишидан иборат бўлган ҳисоблаш гуруҳи тузилади.

Ҳисоблаш гуруҳи томонидан баҳолаш варақаларидаги баллар ҳисоблаб чиқилади ва жамоатчилик кенгаши аъзоларига эълон қилинади.

Танлов натижасига кўра энг кўп балл олган иштирокчи танловда ғолиб деб топилади.

29. Танлов натижасига кўра иштирокчиларнинг баллари тенг бўлган тақдирда улар ўртасида ушбу Низомда белгиланган тартиб асосида қайта танлов ўтказилади.

30. Жамоатчилик кенгаши қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши баённомаси жамоатчилик кенгаши котиби томонидан олиб борилади ва жамоатчилик кенгаши раиси, котиби ва иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

Жамоатчилик кенгаши йиғилиш баённомаларининг сақланиши учун давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқарув органи масъулдир.

### **6-боб. Давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш шартномасини тузиш**

31. Давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш шартномаси тузилади.

Шартнома давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жавобгарлигини белгилаб беради.

32. Шартнома қўйидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак:

давлат ижтимоий буюртмасининг мақсади;

давлат ижтимоий буюртмасини амалга ошириш муддатлари;

давлат ижтимоий буюртмасига ажратилган маблағлар миқдори;

маблағ билан таъминлаш муддатлари;

давлат ижтимоий буюртмасига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланганлик юзасидан назорат шакллари;

ҳисоботлар бериш муддатлари ва шакллари.

33. Агар танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти шартномани имзолашдан бош тортса ёки танловни ўтказиш давомида ўз

фаолиятини тугатган бўлса, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнида бўлса ёки қонунчиликда белгиланган тартибда банкрот деб эътироф этилган бўлса давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органи танловда иштирок этган ва юқори баҳо олган кейинги иштирокчига шартномани имзолашни таклиф этишга ҳақли.

#### **7-боб. Давлат ижтимоий буюртмасининг ижроси юзасидан назорат**

34. Давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органи давлат ижтимоий буюртмасини бажаришга ажратилган молиявий маблағлар сарфланиши устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, амалга оширилаётган ишларни (кўрсатилаётган хизматларни) ҳамда унинг алоҳида босқичларини назорат қилади.

35. Давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органи назоратни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб қилади.

Давлат ижтимоий буюртмаси ижросини назорат қилиш бўйича тузиладиган махсус комиссия аъзоларининг ярми нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида иборат бўлиши лозим.

#### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

36. Давлат ижтимоий буюртмаси учун ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, шартномада кўрсатилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбари жавоб беради.

37. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш  
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлари
Давлат бошқаруви органи	Давлат бошқаруви органи томонидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш учун танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат ижтимоий буюртмасини берувчи давлат бошқаруви органларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.	Танлов ўтказилишидан камида 30 кун олдин
Нодавлат нотижорат ташкilotи	Давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш танловида иштирок этиш ҳақида жамоатчилик кенгашига ариза топширади.	Нодавлат нотижорат ташкilotининг хоҳишига кўра танлов эълон қилинган кундан бошлаб
Жамоатчилик кенгаши	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Танлов ғолиби нодавлат нотижорат ташкilotлари томонидан танловга тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланади.</li> <li>2. Танлов якуни бўйича қарор жамоатчилик кенгашининг баённомаси билан расмийлаштирилади.</li> </ol>	Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда  1 иш кунда

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик  
лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат  
бошқаруви органлари томонидан давлат  
ижтимоий буюртмасини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

Давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш танловида  
иштирок этиш учун \_\_\_\_\_нинг  
(нодавлат ноижорат ташкилотининг номи)

### АРИЗАСИ (БУЮРТМАСИ)

Ариза юборилаётган танловнинг мазмуни	
Давлат ташкилотининг номи	
Танловнинг йўналиши	
Лойиҳанинг номи	
Ариза тақдим этган ташкилот номи (давлат рўйхатидан ўтказилган низомга мувофиқ)	
Худуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман) номи	
Ариза берувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (ариза берувчининг юридик манзили, телефон, факс, электрон почтаси)	
Ташкилот раҳбарининг Ф.И.О., бошқа зарур маълумотлар (яшаш манзили, электрон почтаси, телефон коди билан тўлиқ кўрсатилиши лозим)	
Ташкилот бухгалтерининг Ф.И.О., бошқа зарур маълумотлар (яшаш манзили, электрон почтаси, телефон коди билан тўлиқ кўрсатилиши лозим)	
Ташкилотнинг тасдиқланган штат жадвалида даги лавозимлар сони	
Лойиҳани амалга ошириш муддати (бошланиш санаси — тугатиш санаси)	
Сўралаётган маблағ миқдори (сўм)	
Жалб қилинадиган маблағларнинг миқдори (сўм)	
Муаммонинг қўйилиши (мавжуд ижтимоий муаммо, унинг аҳамияти ва лойиҳани амалга ошириш зарурлигини баён этиш, бир варақдан ортиқ бўлмаслиги лозим)	

Лойиҳанинг мақсади (лойиҳа натижасида эришадиган кўпи билан 3 та асосий мақсад)	
Лойиҳанинг асосий вазифалари (лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳал этиладиган кўпи билан 3 та асосий вазифа)	
Лойиҳани амалга ошириш шакли ва механизмлари (лойиҳани амалга ошириш усуллари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари)	
Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар (эришиладиган самаранинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари ҳамда таъсири)	
Ариза берувчининг мазкур соҳадаги тажрибаси (талабгорнинг фаолияти, унинг ютуқлари)	
Ҳамкорлар ва уларнинг вазифалари (талабгор ва унинг шерикларининг аниқ вазифалари кўрсатилган ҳаракат режаси)	
Ташкилот ва ҳамкорларнинг қўшган ҳиссаси (жалб этилаётган маблағлар, ресурслар, ташкилот ва ҳамкорларнинг моддий ва номоддий ҳиссаси)	

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**142 Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 358-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Вазир**

**З. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 январь,  
43-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2018 йил 31 январдаги 43-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини  
беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 9-банддаги «туман фермерлари кенгашига», «Туман фермерлари кенгаши» ва «Туман фермерлари кенгашининг» деган сўзлар тегишинча «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига», «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» ва «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги «туман фермерлари кенгашининг» деган сўзлар «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 20-бандда:

«а» кичик банд биринчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилади (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).»;

«б» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда комиссияга меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки унинг иш жойидан тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.»;

«г» кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссияга техника воситалари техник паспортлари тақдим этилади (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).»;

қуйидаги мазмундаги ўттиз бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«е) талабгор Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан биргаликда берилган тавсиянома хатга эга бўлса, 10 балл билан баҳоланади.»;

ўттиз бешинчи хатбоши ўттиз олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 34-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.».

5. 2-илова ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгалари кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан келишилган.

*Иқтисодиёт вазири*

**Б. ХОДЖАЕВ**

2018 йил 25 январь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

**Б. ЮСУПОВ**

2018 йил 24 январь

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Марказий кенгаши раиси*

**Қ. ҚУРАНБАЕВ**

2018 йил 23 январь

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага  
ИЛОВА

«Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов голибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда  
талабгорларнинг имкониятларини баҳолайдиган  
РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ**

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
1.	Мутахассислиги	Фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга	10 балл	Маълумот тўғрисидаги ҳужжат
		Агроном, иқтисодчи, юрист	9 балл	
		Инженер, ҳисобчи	8 балл	
		Механик, зоотехник, ветеринар	7 балл	
2.	Қишлоқ хўжалигидаги иш стажи	Бошқа мутахассис	5 балл	Меҳнат дафтарчаси
		15 йил ва ундан юқори	10 балл	
		10 йилдан 15 йилгача	9 балл	
		5 йилдан 10 йилгача	8 балл	
		3 йилдан 5 йилгача	7 балл	
3.	Маълумоти	1 йилдан 3 йилгача	6 балл	Маълумот тўғрисидаги ҳужжат
		Олий	10 балл	
		Ўрта махсус	7 балл	
		Ўрта	5 балл	

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари	Тақдим этиладиган ҳужжатлар
4.	Фермерликка талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисоб варагидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки	Энг кам ойлик иш ҳақининг:		Банк маълумотномаси. Танловга мол-мулк таклиф этилган тақдирда, унинг баҳосини ва унга эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат
		500 баробаридан юқори	10 балл	
		400 баробаридан 499 баробаригача	8 балл	
		300 баробаридан 399 баробаригача	6 балл	
5.	Талабгорга ёки унинг оила аъзоларига (оила аъзоларининг нотариал тасдиқлаган розилиги билан) тегишли яроқли техника	Ҳайдов трактори ёки ўрим техникаси	10 балл	Техник паспорт
		Ишлов бериш трактори	9 балл	
		Транспорт трактори	8 балл	
		Юк машинаси	2 балл	
		Енгил машинаси	1 балл	
Бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси	1 балл			
6.	Оилавий пудратчи ёки фермер хўжалиги бошлиғи, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжаликлари ходимлари ва оилавий пудратчилар бундан мустасно) учун сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилиши	(энг юқори балл барча турдаги маҳсулот етказиш шартномалари бажарилганда берилади)		туман статистика бўлими ёки қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотнома
		3 йил сурункали бажарганда	8 — 10 балл	
		3 йилдан 2 йил бажарганда	6 — 8 балл	
		3 йилдан 1 йил бажарганда	4 — 6 балл	
7.	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан биргаликда берилган тавсиянома хат		10 балл	Тавсиянома хат
8.	Аризада ва бизнес режада баён қилинган таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги	Аризадаги таклифлар ва бизнес режанинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқилади	5 баллдан 10 баллгача	Ариза, бизнес режа ва зарур ҳолларда тавсиянома хатлар

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**143** Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1794, 2008 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

**Вазир**

**З. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 февраль,  
44-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2018 йил 5 февралдаги 44-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Комиссия таркибига туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи (комиссия раиси), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, хизмат кўрсатувчи тегишли банк(лар) ҳамда ирригация тизими бошқармаси раҳбарлари, туманда жойлашган «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги дон маҳсулотлари корхонаси раҳбари (раҳбар ўринбосари) ёки унинг филиали раҳбари, туман «Давуруғназоратмарказ» инспекцияси, «Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг туман (шаҳар) филиали, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда туман «Давтехназорат» инспекцияси вакиллари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳосилоти (агрономи) ҳамда бошқа тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари (раҳбарлари) келишув асосида киритилиши лозим.».

2. 17-банднинг «д» кичик бандидаги «туман ўсимликларни химоя қилиш отряди» деган сўзлар «Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг туман (шаҳар) филиали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-иловада:

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

7.	Сўнги 3 йил ичида ғалла майдонлари касалликларга чалинмаганлиги ва зараркунандалар билан зарарланмаганлиги, шунингдек уларда бегона ўтлар тарқалмаганлиги	сўнги 3 йилда кузатилмаган	10 балл	«Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг туман (шаҳар) филиали маълумотномаси
		сўнги 2 йилда кузатилмаган	5 балл	
		сўнги 1 йил давомида кузатилган	1 балл	
		сўнги 3 йил давомида кузатилган	0 балл	

».

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Иқтисодиёт вазири*

*Б. ХЎЖАЕВ*

2018 йил 1 февраль

*Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри  
давлат қўмитаси раиси*

**А. АБДУЛЛАЕВ**

*2018 йил 25 январь*

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик  
компанияси бошқаруви раиси*

**С. ХАЙДАРОВ**

*2018 йил 22 январь*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

**Б. ЮСУПОВ**

*2018 йил 23 январь*

*«Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик  
жамияти раиси*

**У. АХУНОВ**

*2018 йил 24 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР  
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**144** «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё минтақаси Бойсун инвестиция блокига нисбатан 2010 йил 4 июндаги Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2250-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПҚ–2948-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокида геология-қидирув ишлари олиб бориш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2011 йил 10 июлдаги 01-02/12-9, ГС-01/19-4107-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё минтақаси Бойсун инвестиция блокига нисбатан 2010 йил 4 июндаги Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2250, 2011 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 30-сон, 323-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзбекнефтегаз» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 февраль,  
01-02/12-9-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 февралда эълон қилинган.

**Инвестициялар бўйича  
давлат қўмитаси раиси**

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 февраль,  
01/08-668-сон

*Келишилган:*

*Марказий банк  
бошқаруви раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

*2018 йил 10 февраль*

*«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директори*

**А. КАРИМОВ**

*2018 йил 10 февраль*

*«Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви  
раисининг биринчи ўринбосари*

**У. САЙИДОВ**

*2018 йил 10 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**145 Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ–5291-сон «Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қулай шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 510-модда) билан тасдиқланган Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 февраль,  
21-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**146 Касб-ҳунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари  
ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш ярмаркала-  
рини ўтказиш бўйича намунавий регламентни тасдиқлаш  
тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2973*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Касб-ҳунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш ярмаркаларини ўтказиш бўйича намунавий регламент иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 29 декабрь  
57-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги  
57-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Касб-ҳунар коллежлари базасида бўш иш  
ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш  
ярмаркаларини ўтказиш бўйича  
НАМУНАВИЙ РЕГЛАМЕНТ**

Мазкур Намунавий регламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирла-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 февралда эълон қилинган.

ри тўғрисида»ги қарорига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш ярмаркаларини (бундан буён матнда ярмарка деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ярмарка ташкилотчиси** — ярмаркани ташкил этиш ва ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ташкилот (ташкилотлар);

**ярмарка иштирокчилари** — касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ишсизлар, бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ташкилотлар, мини технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи ва бошқа ташкилотлар, тижорат банклари, шунингдек ярмаркада иштирок этиш истagini билдирган бошқа жисмоний ва юридик шахслар.

2. Ярмарка Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ ташкил этилади.

3. Ярмаркалар мазкур Намунавий регламент асосида ярмарка ташкилотчиси томонидан тасдиқланадиган ярмарка ўтказиш регламенти асосида ўтказилади.

Ярмарка ташкилотчиси томонидан тасдиқланадиган ярмарка ўтказиш регламенти қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Намунавий регламентга зид бўлмаслиги лозим.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бандлик бош бошқармалари томонидан ҳар йили 15 январга қадар тегишли ҳудуддаги туманлар кесимида ярмаркаларни ўтказиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилади. Режа-жадвал тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бандлик бош бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади ҳамда 20 январга қадар тегишли туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) юборилади.

5. Ярмаркаларни ўтказиш бўйича режа-жадвал асосида Марказ томонидан тегишли маҳаллий ижроия ҳокимияти органи билан биргаликда ярмарка ташкил этилишидан камида бир ой олдин ярмаркани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Дастурда ярмарка ташкилотчиси, ярмарка ўтказиладиган жойнинг манзили, ярмарка ўтказиш санаси, вақти, ярмарка иштирокчилари ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

### 2-боб. Ярмарка ўтказишни ташкил этиш

6. Ярмарка ташкилотчиси ярмарка ташкил этилишидан камида 15 кун олдин тегишли ҳудуддаги бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ташкилотлар,

турли мини технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи (агар мавжуд бўлса) ва бошқа ташкилотлар ҳамда тижорат банкларига ярмаркада иштирок этишлари юзасидан расмий хат орқали таклифнома юборади.

7. Ярмаркада қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ярмарка бошланишидан камида 5 кун олдин ярмарка ташкилотчисига тегишлича бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотни, мавжуд мини технологиялар, тижорат кредити турлари шунингдек ўз бизнесини бошламоқчи бўлган шахсларни қизиқтирадиган бошқа маълумотларни тақдим қилади.

Ярмарка ташкилотчиси тақдим этилган маълумотларга асосан ярмаркада иштирок этиш истагини билдирган ташкилотлар бўйича уларнинг фаолият соҳасини кўрсатган ҳолда рўйхат шакллантиради.

8. Ярмарка ўтказиладиган кундан камида 10 кун олдин ярмарка ташкилотчиси томонидан оммавий ахборот воситаларида ярмарка ўтказиладиган жойнинг манзили, ярмарка ўтказиладиган сана ва вақт ҳамда мурожаат этиш учун телефон рақамлари кўрсатилган хабар эълон қилинади.

9. Ярмаркани ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни (ярмарка ўтказиладиган бинони тозалаш, зарур мебель ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш) ҳал қилиш ярмарка ташкилотчиси зиммасига юклатилади.

10. Ярмарка ташкилотчиси ярмарка ўтказилаётган жойда барча иштирокчилар танишишлари учун қулай бўлган жойларда ярмаркада иштирок этаётган ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ярмаркани ўтказиш регламенти жойлаштирилишини таъминлайди.

### **3-боб. Ярмаркани ўтказиш**

11. Ярмарка туман (шаҳар) марказларидаги тадбирларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган биноларда ўтказилади.

12. Ярмарка соат 9.00 дан 18.00 гача бўлган вақт оралиғида ўтказилади. Ҳафтанинг якшанба кунинда ярмарка ўтказилмайди.

13. Ярмарка иштирокчиларининг ярмаркага кириши — бепул ҳисобланади.

14. Ярмарка ўтказиш вақтида ярмарка иштирокчиларига:

жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи, ярмаркани ташкил қилиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузувчи ёки бундай хатти-ҳаракатларни содир қилишга ундовчи ҳаракатларни бажариш;

ярмарка ўтказилаётган жойга совуқ, ўқотар, газли ёки бошқа қурооллар, пиротехника буюмлари, ўқ-дорилар, осон алангаланадиган ва захарли моддалар, санчувчи, кесувчи ва бошқа предметларни, шунингдек фойдаланилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши ёки фуқаролар ва ташкилотларга моддий зарар етказиши мумкин бўлган махсус тайёрланган ёки мослаштирилган предметларни олиб кириш;

ярмарка ўтказилаётган жойга ҳайвонлар билан келиш;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган нодавлат нотижорат ташкилотларининг эмблемалари, рамзлари, байроқлари ва вимпелларидан, шунингдек мазмуни жамиятнинг ахлоқий асосларини, умуминсоний қадриятларни бузишга қаратилган, шунингдек конституциявий тузумни ноқонуний ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини бузиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, ижтимоий, ирқий, миллатчилик ва диний адоватни қўзғатиш, қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадидаги эмблемалар, рамзлар, байроқлар, вимпеллар, плакатлар, транспарантлар ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

маст ҳолатда ёки гиёҳванд воситалар, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш оқибатида инсоннинг интеллектуал-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи ҳолатда бўлиш тақиқланади.

15. Ярмарка ташкилотчиси томонидан ярмарка иштирокчилари (бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ташкилотлар, мини технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тижорат банкларининг вакиллари) ҳисоби юритилади.

16. Ярмаркада иштирок этаётган ташкилотлар ярмаркада ўзларининг тарқатма материаллари (флаерлар, буклетлар, баннерлар ва бошқалар) билан иштирок этишлари мумкин.

17. Марказ ярмарка иштирокчиларига меҳнат қонунчилиги соҳасида тегишли маслаҳатлар бериш, ишга жойлашишлари учун йўлланмалар расмийлаштириш ҳамда меҳнат шартномалари тузишда амалий ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар ажратилишини таъминлайди.

18. Ярмаркада иштирок этаётган:

тижорат банкларининг вакиллари — ярмарка иштирокчиларига тижорат кредитини ажратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ва зарур маълумотларни;

бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ташкилотлар — ўзида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақида, ишнинг хусусияти ва тахминий ойлик маоши тўғрисидаги маълумотларни;

мини технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи ва бошқа ташкилотлар — бизнес лойиҳалар, лизинг орқали берилиши мумкин бўлган техника ва асбоб ускуналар, ишлаб чиқариш соҳасининг афзалликлари, шунингдек ўз бизнесини бошламоқчи бўлган шахсларни қизиқтирадиган бошқа маълумотларни берадилар.

19. Марказ томонидан ярмарка иштирокчиларига Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таклифлар берилади.

20. Ярмаркага келувчилар ярмаркада ўзлари учун мақбул келадиган иш ўринларига эга ташкилотлар билан меҳнат шартномаларини тузиши, тижорат банклари билан кредит олиш масаласида ҳужжатларни расмийлаштириши, шунингдек мини технологиялар олиш учун ярмаркада иштирок этаётган корхоналар билан тегишли шартномалар расмийлаштириши мумкин.

**4-боб. Яқуний қоида**

21. Ушбу намунавий регламент Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2017 йил 29 декабрь*

*Марказий банк  
бошқаруви раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

*2017 йил 29 декабрь*

*Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг биринчи ўринбосари,  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими  
маркази директори*

**М. ХОЛМУХАМЕДОВ**

*2017 йил 29 декабрь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2017 йил 29 декабрь*

*Ички ишлар вазири*

**П. БОБОЖОНОВ**

*2017 йил 29 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**147** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2017 йил 1 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 23 сентябрдаги 7, 30-қ/қ ва 72-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 февралда эълон қилинган.

тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2827, 2016 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 39-сон, 466-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион  
ривожланиш вазири**

**И. АБДУРАХМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 февраль,  
2-сон

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 февраль,  
5-Б-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 февраль,  
19-сон

Ўзбекистон Республикаси  
 Инновацион ривожланиш вазирлиги,  
 Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
 ва Молия вазирлигининг 2018 йил  
 12 февралдаги 2, 5-Б, 19-сон қарорига  
 ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	<b>Институт директори</b>	
	профессор	2 662 535
	фан доктори	2 554 364
	фан номзоди	2 446 785
2.	<b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b>	
	профессор	2 446 785
	фан доктори	2 359 853
	фан номзоди	2 254 278
3.	<b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) муdiri</b>	
	фан доктори ёки профессор	2 359 853
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	2 254 278
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	2 167 935
4.	<b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>	
	фан доктори ёки профессор	2 254 278
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	2 167 935
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	2 081 104
5.	<b>Бош илмий ходим</b>	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	2 254 278
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	2 167 935
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	2 081 104
6.	<b>Етакчи илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	2 167 935
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	2 081 104
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 978 397

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
7.	<b>Катта илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 978 397
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 876 860
	илмий даражага эга бўлмаган	1 777 584
8.	<b>Кичик илмий ходим</b>	
	фан номзоди	1 876 860
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 777 584
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 679 133
9.	<b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>	1 481 517

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 148 Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-11*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 февралда эълон қилинган.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 февраль,  
100-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги  
100-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс (бундан кейинги ўринларда талабгор деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бевосита ёки тегишли адлия бошқармаси орқали қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

комиссия номига ариза;

паспорт нусхаси;

белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки унинг иш жойида тасдиқланган нусхаси;

олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Агар талабгор адлия органлари тизимида ишлаётган бўлса, ушбу банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилмайди.

Ишчи орган томонидан талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги, шунингдек малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаганлиги сабабли малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақидаги малака комиссияси (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда комиссия)нинг қароридан кўчирма тегишли адлия бошқар-

малари ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармасидан олинади.».

2. 12-банддан «175,» рақами чиқариб ташлансин.

3. 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Танлов ижтимоий, ҳуқуқий ва нотариат соҳасидаги бешта саволга ёзма ва оғзаки жавоб бериш асосида ўтказилиб, уларга тайёрланиш учун тўқсон дақиқа вақт ажратилади.

Саволлар комиссия раиси ва масъул котибининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши лозим.».

4. 22-банддаги ҳамда 23 ва 25-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «Билетдаги саволларга» деган сўзлар «Саволларга» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 27-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ғолиб деб топиш учун етарли балл тўплай олмаган» деган сўзлар «танловда олиними мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 29-бандда:

олтинчи хатбошидан «билет рақами ва ундаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидан «билетдаги» деган сўз чиқариб ташлансин.

7. 3-иловадан «Билет рақами: \_\_\_\_\_» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**149 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-17*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 106-сон «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги 64-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 13-сон, 99-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 февраль,  
101-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги  
101-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 25-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар реестрда рўйхатга олинади ва «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда Тизим деб юритилади) киритилади. Реестрдаги ёзувлар қалам билан ёзилишига йўл қўйилмайди.»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Битта ҳужжатнинг бир нечта нусхаси тўғрилиги шаҳодатлантирилганда, улар битта реестр рақами билан қайд этилади ва тасдиқловчи ёзувда ҳужжатнинг нечта нусхада тасдиқланганлиги кўрсатилади.».

2. Қўйидаги мазмундаги 34<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«34<sup>1</sup>. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларга нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар бўйича квитанциялар Тизим орқали чиқариб берилади.

Нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан сўнг амалга оширилади.

Тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.».

3. 35<sup>2</sup>-банднинг биринчи хатбошисидаги «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимидан (кейинги ўринларда Тизим деб юритилади)» деган сўзлар «Тизимдан» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 50<sup>8</sup>-бандда:

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн иккинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 95-бандда:

ўн тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирманчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишлича ўн тўққизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. 100-бандда:

ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. 107-бандда:

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 112-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. 117-бандда:

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

10. 125-бандда:

ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн саккизинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

11. 135<sup>1</sup>-банддаги «ижарага бериш билан боғлиқ ишончномалар» деган сўзлар «ижарага бериш шартномалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 136-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳудудий бошқармалари (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» давлат унитар корхонаси) томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ва уларнинг розилиги»;

13. 281-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кўчмас мол-мулкни ва автотототранспорт воситасини сотиб олиш юзасидан зақалат тўғрисида келишувни тасдиқлашда, келишувда кўрсатилган мулкка ва белгиланган муддатга тақиқ қўйилади ва Тизимга киритилади. Мазкур тақиқ муддатидан олдин келишувда кўрсатилган мажбурият бажарилганда ёки тарафлар ўртасида ушбу келишувни бекор қилиш ҳақида қўшимча келишув тасдиқланганда бекор қилинади.»

14. Илованинг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

13.	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	Ангрен шаҳар 1-сон ДНИ
		Олмалиқ шаҳри	Олмалиқ шаҳар 2-сон ДНИ
		Нурафшон шаҳри	Нурафшон шаҳар ДНИ
		Янгийўл шаҳри	Янгийўл шаҳар 3-сон ДНИ
		Оҳангарон шаҳри	Оҳангарон шаҳар ДНИ
		Оҳангарон тумани	Оҳангарон туман ДНИ
		Бекобод шаҳри	Бекобод шаҳар 1-сон ДНИ
		Чирчиқ шаҳри	Чирчиқ шаҳар 3-сон ДНИ
		Бўстонлиқ тумани	Бўстонлиқ туман 1-сон ДНИ
		Бўка тумани	Бўка туман 2-сон ДНИ

	Бекобод тумани	Бекобод туман 1-сон ДНИ
	Оққўрғон тумани	Оққўрғон туман ДНИ
	Қибрай тумани	Қибрай туман 2-сон ДНИ
	Қуйичирчиқ тумани	Қуйичирчиқ туман ДНИ
	Зангиота тумани	Зангиота туман 1-сон ДНИ
	Пискент тумани	Пискент туман ДНИ
	Паркент тумани	Паркент туман ДНИ
	Ўртачирчиқ тумани	Ўртачирчиқ туман 2-сон ДНИ*
	Юқоричирчиқ тумани	Юқоричирчиқ туман ДНИ
	Чиноз тумани	Чиноз туман 1-сон ДНИ
	Янгийўл тумани	Янгийўл туман 3-сон ДНИ
	Тошкент тумани	Тошкент туман 1-сон ДНИ

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**150** Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банки раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 21 февраль,  
6/1-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил 21 февралдаги 6/1-сон қарорига  
ИЛОВА

## Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**тавсиянома** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан туман (шаҳар)ларда ташкил этилган секторларнинг тегишли раҳбари, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисининг аҳолини муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномаси;

**қарз олувчи** — тавсиянома берилган муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаро;

**банк** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб берилган, қарз олувчиларга микрокредитлар ажратадиган тижорат банки.

### 2-боб. Микрокредитларни ажратиш шартлари

2. Микрокредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

3. Микрокредитлар, биринчи навбатда, худудларда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолини тадбиркорлик фаолияти орқали бандлик билан таъминлаш учун имтиёзли шартлар асосида берилади.

4. Микрокредитлар:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ва умумий овқатланиш ташкилотлари айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда улар учун ускуналар сотиб олиш;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан хизмат автомобиллари таъминоти;

мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун берилиши мумкин эмас.

5. Микрокредитлар банклар томонидан қарз олувчиларга энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоригача йиллик 7 фоиз ставкада ажратилади.

Банклар ўз ички кредит сиёсатига асосан республикамизнинг алоҳида ҳудудларида истиқомат қилувчи қарз олувчиларга мазкур Низомда белгиланган фоиз ставкасидан камайтирилган фоиз ставкаларда микрокредитлар ажратиши мумкин.

6. Қарз олувчиларга микрокредит қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, камида 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан, 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга банк кредит қўмитасининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган қарори асосида берилади.

### **3-боб. Микрокредитларни расмийлаштириш**

7. Микрокредит олиш учун қарз олувчи томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тегишли мақсад бўйича микрокредит олиш учун сўралган ариза;

тавсиянома;

шахсий томорқа участкаларида маҳсулот етиштиришни кенгайтириш мақсадлари учун микрокредит сўралган ҳолларда қарз олувчида томорқа участкаси мавжудлиги кўрсатилган ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган маълумотнома;

микрокредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат.

8. Микрокредитлар қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бири тақдим этилади:

мол-мулк гарови;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисида суғурта полиси.

Микрокредитлар қайтарилиши бўйича учинчи шахс кафиллиги тақдим этилганда, кафилнинг охириги 12 ой учун доимий иш жойидан (доимий иш жойи мавжуд бўлганда) берилган маълумотномалар ёки унинг охириги

12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг унинг яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари тақдим этилади.

Банкларнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ қарз олувчиларга мазкур бандда назарда тутилган таъминот турларидан бирини талаб қилмасдан бланкли (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эга. Бунда банк қарз олувчи томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатарини суғурта қилиши шарт.

9. Қарз олувчи мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатларни топширишда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатади ҳамда ундан нусха тақдим этади.

10. Микрокредит сўраб, барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган ариза банкка келиб тушган кундан бошлаб, банк кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича қарор қабул қилиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги лозим.

11. Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, банк аризачига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

#### **4-боб. Микрокредитларни ажратиш ва уларни қайтариш**

12. Микрокредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг тўлов топшириқномасига асосан, кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13. Микрокредитлашнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда микрокредит суммасининг 30 фоизи микдоридаги қисми нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

14. Қарз олувчиларга берилган микрокредитлар ҳисоби алоҳида белгиланган баланс ҳисобварақларида юритилади.

15. Қарз олувчи микрокредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда, банк пластик карточкалари орқали ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаши мумкин.

16. Банк томонидан микрокредитдан фойдаланишнинг муддати давомида микрокредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини аниқлаш бўйича бевосита жойига чиқиб, доимий мониторинг ўтказилади.

17. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганлик аниқланган тақдирда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда микрокредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан илгари ундириб олиш ҳуқуқига эга.

18. Қарз олувчи томонидан микрокредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлар тўланмаган тақдирда, банк тавсиянома берган сектор масъулларига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин.

19. Ўзининг кредит портфелида тавсияномалар асосида ажратилган микрокредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик микдори 10 фоиздан

ошганда, банк филиали тавсияномалар асосида микрокредитлар ажратилишини тўхтатиши ҳамда тавсиянома берган сектор масъуллари қирқимидаги маълумотларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига тақдим этиши шарт.

20. Банк филиаллари тавсияномалар асосида ажратилган микрокредитлар бўйича скоринг таҳлил ўтказиб, ойлик ҳисоботларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари эса ушбу ҳисоботларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этади.

21. Микрокредитлар бўйича қарздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади.

22. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, банк ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида тақдим этилган таъминот турига қаратади.

### 5-боб. Яқунловчи қоида

23. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

**151** «Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда эркак кўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2607-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 февралда эълон қилинган.

2014 йил 25 июлдаги 7-сон «Қоракўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли кўчқорлар ҳамда эркак кўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2607, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 412-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг компанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 февраль,  
45-сон

**3. МИРЗАЕВ**

*Келишилган:*

*«Ўзбекиқовқатхолдинг» холдинг  
компанияси бошқаруви раиси*

**Т. ЖАЛИЛОВ**

*2018 йил 9 февраль*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 17 февралдан 23 февралгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 31 январдаги 43-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-3.***

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 5 февралдаги 44-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 10 февралдаги 01-02/12-9, 01/08-668-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё минтақаси Бойсун инвестиция блокига нисбатан 2010 йил 4 июндаги Махсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2250-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 21-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 57-Б-сон «Касб-хунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга қўмаклашиш ярмаркаларини ўтказиш бўйича намунавий регламентни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2973.*

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 2, 5-Б, 19-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2018 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2974.*

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги 100-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-11.*

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги 101-мх-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-17.*

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 21 февралдаги 6/1-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2018 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2975.*

10. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 45-сон «Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли кўчкорлар ҳамда эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2607-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Ўзбекистон Республи-

каси Сурхондарё минтақаси Бойсун инвестиция блокига нисбатан 2010 йил 4 июндаги Маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2250, 2011 йил 29 июль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 21 февралдаги 96-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлигининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2827, 2016 йил 30 сентябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 21 февралдаги 99-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Қорақўлчилик ширкат хўжаликларида подага яроқсиз она моллар, насли қўчқорлар ҳамда эркак қўзиларни (эчкиларни) бўрдоқига боқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2607, 2014 йил 5 сентябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 23 февралдаги 103-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2018 йил 31 январдаги 34-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2922-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.**